

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 1-iyun, Payshanba

№ 23 (9239)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда шу йилнинг 9 июль кунин муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиниши лозим. Бунинг учун сиёсий партиянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни сўраб Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиши керак.

Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича Календарь режада белгиланган талабларга ва муддатларга амал қилган ҳолда бугун, 31 май кунин Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига ушбу партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишни сўраб мурожаат этди ва қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни топширди.

Хусусан, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, мажлис баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози экани тўғрисидаги аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари тақдим этилди.

– Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг кунин кеча бўлиб ўтган съездида муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзЛиДеПнинг иштироки муҳокама қилинди ва сайловда партиядан кўрсатиладиган номзод маъқулланди, – дейди ЎзЛиДеП Сиёсий кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Якубов. – Қонунчилигимизга кўра, бугун Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни тақдим этдик. Таъкидлаш жоизки, ўтган икки ҳафта давомида партиямиз фаоллари республикамизнинг барча ҳудудларида сайловчиларнинг имзосини тўплади. Жами 300 мингга яқин имзолар тўпланди. Сайлов кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сонининг бир фоизи миқдориди, яъни, 227 мингдан ортиқ қисмини МСКга топширдик.

Ҳужжатларни тақдим этган ҳар иккала партия вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақти кўрсатилган маълумотнома берилди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
Алмурат МАМАДАМИНОВ (сурат),
ЎЗА муҳбири.

“СУВЧИЛАР МАКТАБИ” ИШ БОШЛАДИ

Ушбу мактаб фермерлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаси вакилларига сувдан самарали фойдаланиш орқали юқори ҳосилдорликка эришишни ўргатади.

Бу ерда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, минтақада кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага доир инновацион технологиялар, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўқитилади.

Янги мактаб ташаббускори – Президент. Жорий йилнинг 18 апрель кунин сув ҳўжалигида ва фармацевтика саноатида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда Давлатимиз раҳбари “Агробанк” ҳузурида сув тежамкорлиги бўйича янги лойиҳаларни шакллантириш учун алоҳида марказ ташкил қилиб, хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш вазифасини қўйган эди.

Лойиҳа Сув ҳўжалиги вазирлиги, “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳамда “Агробанк” ҳамкорлигида амалга оширилди.

29 май кунин “Сувчилар мактаби”нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Сув



ҳўжалиги вазири Ш.Хамраев иштирок этди.

“Сувчилар мактаби”нинг ўқув дастурлари халқаро таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган бўлиб, ўқув жараёни илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

Режага кўра, биринчи босқичда 60 мингга фермер, 4 мингга яқин сув ҳўжалиги ходимлари, минг нафардан ортиқ банк ходимлари ўқитилади. Ўқув жараёнига Исроил, Туркия, Испания, Хитой каби мамлакатлардан тажрибали мутахассислар жалб қилинади.

Сув ҳўжалиги вазирлиги
ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИНИНГ ФАРҒОНАГА ТАШРИФИ ҚАНДАЙ КЕЧДИ?



Жорий йилнинг 29 май кунин мамлакатимиз сув ҳўжалиги тизимида меҳнат қилаётган ва Тожикистондан келган бир ғуруҳ хотин-қизлар ва фермер аёллар Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги бир қанча фермер ҳўжаликларида бўлиб, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда иқлим ўзгаришига мослашиш борасидаги ишлар билан танишдилар. Бу ўзига хос тадбир Ўзбекистон сув секторида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, билим ва илғор тажрибаларни бевосита алмашиш йўли орқали миллий сиёсат даражасида Сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш (СРИБ) тамойилларини жорий этишга ҳисса қўшади. (Давоми 3-саҳифада)

Жараён



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҲАМ ҒАЛЛА ЎРИМИГА КИРИШИЛДИ

Мавсумни биринчи бўлиб иқлими бошқа ҳудудларга таққослаганда табиий жиҳатдан анча илиқ бўлганлиги боис ҳосил эртароқ етилган Бекобод тумани ғаллакорлари бошлаб бердилар. Шу муносабат билан Тошкент вилояти ҳоқими Зоир Мирзаев, вилоят ва туман сектор раҳбарлари ҳамда қишлоқ ҳўжалик вакиллари жараён билан яқиндан танишдилар. (Давоми 2-саҳифада)

Муносабат

УЛКАН ИСТИҚБОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, Ўзбекистон кўплаб хорижий давлатлар билан турли соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйди ва у халқаро ҳуқуқ нормалари ва умумий принципларига асосланмоқда.

Зеро, яқин ва узоқ хорижий давлатлари билан ҳар томонлама муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларидан саналади. Давлатимиз раҳбарининг яқиндагина Хитойга қилган расмий

ташрифи бунга яна бир қарра мисолдир. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида 2011 йилдан бошлаб ўзаро савдода энг қулай давлат режими ўрнатилган бўлса, ўзлаштирилган Хитой сармояси 2017-2022 йилларда 10,9 млрд. долларни, 2022 йилнинг ўзига 2,2 млрд. долларни ташкил этди. (Давоми 2-саҳифада)

Эълон

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



ОКМК Истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ем-ҳашак тайёрлаш участкасининг 600 гектар ер майдонида етиштирилган буғдой ҳосилини талафотларсиз йиғиб олиш мақсадида махсус дон ўриш комбайнларига эҳтиёжи борлиги сабабли буғдой ўриш ва йиғиб олиш хизматларини харид қилишини эълон қилади.

Тижорат таклифларини қуйидаги сайтга
жўнатишларини сўраймиз:
Веб-сайт: etender.uzex.uz
ЛОТ НОМЕРИ: 263967



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҲАМ ҒАЛЛА ЎРИМИГА КИРИШИЛДИ



(Боши 1-саҳифада)
Ўзаро мулоқот чоғида алоҳида таъкидландики, бу йил 103 минг гектар майдондаги ғалла ҳосили ҳар йилдагига қараганда катта машаққат билан етиштирилди. Бойси, қиш фаслида юз берган аномал совуқ бошқа экинлар қатори ғалла майсалари ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида, парвариш бўйича қўшимча агротехник ишлов ва бошқа дала тадбирлари амалга оширилди. Фермерлар ва кластер жамоаларининг фидокорона меҳнатлари зое кетмади. Далаларда мўлжалдаги ҳосил тўпланди. Эндиги асосий мақсад ҳалқимизнинг асосий ризқ-насибаси бўлган ғаллани қулай фурсатларда, нобудгарчиликсиз саранжомлаб олишдан иборат. Бунинг учун мавсумга пухта ҳозирлик кўрилган. Барча сервис

хизматлари билан пухта таъминланган 260 та отряд шакллантирилди. Ғалла қабул қилиш шахобчалари, ўримга жалб қилинган комбайн ва дон ташиш техникалари, ёқилғи мойлаш хизматларини кўрсатиш инфратузилмалари тўлиқ шай ҳолга келтирилган. Мавсум иштирокчиларининг моддий манфаатдорлиги ҳар жиҳатдан намунали йўлга қўйилди. Вилоят ҳокими Зоир Мирзаев бу йилги ғалла ҳосили тақсимотини ҳам очиклади. Унинг сўзларига кўра, ҳосилнинг 308 минг тоннаси давлат омбори ва биржа орқали сотилса, 492 минг тоннаси фермерларда қолади. Кўй сўйилиб, нуроний ота-хонлар хирмонга қут-баракат тилаб дуо қилдилар. Кўтаринки кайфиятда мавсумга старт берилди.

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ORGANIZM UCHUN XAVFLI BO'LGAN KONTAMINANTLARNI BILASIZMI?

Oziq-ovqat mahsulotlari organizm uchun zarur bo'lgan energetik, plastik va biologik faol moddalardan tashqari mineral tuzlar, vitaminlar, hazm bo'lmaydigan tolalar va boshqalarni o'z ichida tutadi.

Bugungi kunda organizm hayot faoliyati uchun zarur bo'lgan oqsillar, uglevodlar, yog'lardan va biologik faol bo'lgan moddalardan tashqari ozuqa mahsulot tarkibidagi organizmlar uchun yot, ko'pincha zararli bo'lgan moddalar va mikroorganizmlar bo'lib, ularning tarkibida atrof-muhitda ko'payib ketgan ksenobiotiklarning bo'lishi odatiy hol bo'lib qolmoqda. Bunday oziq-ovqat tarkibidagi tiriklik uchun begona kimyoviy moddalarning 30-80 foiz odam organizmiga atrof-muhitdan tarqalayotgan har xil iflos gazlardan, suvdan, ozuqadan, yashash sharoitidan qat'iy nazar iste'mol qilinadigan ovqat bilan tushadi. Kimyoviy ifloslantiruvchilar atrof-muhitdan oziq-ovqatga tushadigan, tabiiati jihatidan organik va noorganik, organizm uchun zararli va zararsiz moddalarga bo'lishi mumkin. Bunday organizm uchun begona bo'lgan moddalar inson faoliyati natijasida tuproqqa, suvga, havoga yig'ilib, ozuqa mahsulotlari va ichimlik suvida to'planib qoladi. Bularning 60 foizdan ortiqrog'i iste'mol qilinadigan ozuqa va ichimlik suvi orqali odam organizmiga tushadi va ko'pchiligi inson salomatligining izdan chiqishiga olib keladi. Inson sog'lig'iga xavf soluvchi va oziq-ovqatning ifloslanishiga sabab bo'luvchi asosiy kimyoviy moddalarga: toksik metallar, radionuklidlar, pestitsidlar, mineral o'g'itlar, plastmassa tarkibidagi uglevodlar, hayvonlar uchun ishlatiladigan stimulyatorlar, gormonlar, politsiklik aromatik uglevodlar va boshqalar kiradi. Organizmga turli darajada zararli bo'lgan oziqa qontaminantlari ham mavjud. Masalan, benzooy kislotasi astmani qo'zg'atadi, kaliy glutamate ko'ngil aynish, ich ketishlarni sababchisi bo'lish mumkin. Xullas, insonning ishtoh qatladigan mahsulotlarining tarkibiga e'tiborli bo'lishi uning organizmining sog'lomlik darajasini bir me'yorda saqlab turishi uchun muhim ahamiyatga ega.

Dildora XOLOVA,
Guzor tumanidagi 1-IDUM oqituvchisi.

Эълон

“SQB INSURANCE”
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
акциядорлик жамиятининг А4 форматдаги
0284200 ва 0254163 сериали полис бланкалари
йўқолганлиги сабабли юридик кучини
йўқотганлиги МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

УЛКАН ИСТИҚБОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)
Хитой банклари орқали Ўзбекистонга берилган кредитларнинг умумий портфели эса бугунга келиб 6,9 млрд. доллардан ошди. 2008-2022 йилларда икки давлат ўртасида тузилган 51 та лойиҳани амалга ошириш учун Хитойнинг 246,3 млн. долларлик, 2022 йилда эса 10,1 млн. доллар миқдордаги грантлари жалб этилди.

Ҳозирда мамлакатимизда Хитой сармояси иштирокида 1763 та корхона фаолият юритаётгани ва уларнинг 275 таси 2022 йилда ташкил этилганини эътиборга олсак, сўнгги йилларда ҳамкорлик қирралари нақадар ошганини тушунамиз. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида имзоланган 283 та ҳужжат, жумладан, 113 та давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро шартномалар, 82 та идоралараро ва 88 та бошқа турдаги ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада ривожланишига хизмат қилляпти. Икки давлат раҳбари музокаралардан кўнгиллари тўлганини таъкидлаб, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларининг янги даври бошлангани, эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани, барча даражалардаги ўзаро алоқалар жадал тус олгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланаётгани ва муҳим масалаларда томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётганини алоҳида қайд этишди.

Музокараларда, шунингдек, камбағаллики қисқартириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, ердан фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнес, инфратузилмани модернизация қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва профессионал таълим соҳаларида ижти-

мой аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда самарали тажриба алмашиш ва амалий чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Савдо-иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди. “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳимлиги қайд этилди. Ҳар икки давлат раҳбарлари томонидан қўшма баёнот имзоланиб, Ўзбекистон – Хитой шериклигининг 2023-2027 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди, савдо, божхона, таълим, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларга тааллуқли жами 41 та ҳужжат имзоланди.

Хитой раҳбари раислигида ўтган мазкур тадбирда шунингдек, Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон етакчиси Садир Жапаров, Тожикистон ва Туркменистон Президентлари Эмомали Раҳмон ва Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашиб, минтақа мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик амалга оширилаётгани муҳокама қилишди. Ўшбу учрашув ҳозирги мураккаб халқаро вазият шароитида алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Президентимиз ўз нутқида мазкур саммит асрлар давомида бутун Евроосиёнинг цивилизациясида, ўзаро боғлиқлиги ва тараққиётида муҳим омил бўлган Буюк Ипак йўлининг бошланиш нуктаси бўлиб хизмат қилган кўхна Сиань шаҳрида ўтаётгани раамий маънога эғалигини таъкидларкан, пандемия синовларини



Мусахон АППАКОВ,
Республика маънавият ва маърифат маркази
Наманган вилояти бўлими раҳбари.

енгиб ўтган мамлакатларимиз глобал миқёсда ишонч инқирозининг салбий оқибатларига дуч келганини, Марказий Осиё учун муҳим бўлган транспорт-логистика занжирларида жиддий зулишлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги учун таҳдидлар, инфляция импорти ўсиб бораётгани ортидан ижтимоий кескинлик хатарлари ва бошқа муаммолар биздан янада яқин мувофиқлашув ва амалий ҳамкорликни талаб қилаётганини таъкидлади. Бугун Марказий Осиё мулоқот ва кенг кўламли ҳамкорлик учун очик, ҳамжиҳат ва кучли минтақа эканини мамнуният билан қайд этди. Ортбошимиз мазкур саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида савдо, инвестиция, транспорт ва гуманитар соҳалардаги минтақавий шерикликни узоқ муддатли кун тартиби, истиқболли режа ва вазифалар асосида ривожлан-

тириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Стратегик ёндашувлар, комплекс тавсия ва ечимларни, минтақавий ва глобал миқёсда туб ўзгариш ясайдиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадида олти мамлакатнинг етакчи “ақл” марказлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини қайд этди. Бунинг муҳокама қилиш учун майдон сифатида келгуси йилда Самарқандда Миллий ривожланиш стратегияларини ўзаро боғлаш масалалари бўйича халқаро экспертлар конференциясини ўтказиш таклифи билан ҳам чиқди.

Президентимиз минтақа мамлакатларининг барқарор ривожини учун зарур шароитларни шакллантириш, бунда асосий эътиборни камбағалликка қарши самарали курашишга қаратиш масалаларига алоҳида тўхта-ларкан, “Худудларда, энг аввало, қишлоқ жойларда турмуш дара-

жасини ошириш ва уларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалардан иборат қўшма дастурни қабул қилсак ва амалга оширсак, бу халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланиши ва 2030 йилга қадар кун тартиби мақсадларига эришишга умумий ҳиссамиз бўлишига ишонаман”, деди.

Ўзбекистон Президенти Хитойнинг БМТ Низомидаги хавфсизлик бўлимининг ва тинч тараққиёт принципларига асосланган глобал ташаббусини қўллаб-қувватлаб, барқарорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақамиздаги мулоқот даражасини юқори баҳолади.

– Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги Мулоқот гуруҳи ва Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг мулоқотидан ўзаро келишилган позицияни ишлаб чиқиш ва ушбу мамлакатда гуманитар ҳалокатга йўл қўймаслик чораларини кўриш учун тўлиқ фойдаланиш муҳим, деб ҳисоблаймиз, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Хитой ва Ўзбекистон буюк тамаддунга эга бўлган қадимий давлатлар бўлиб, “Буюк ипак йўли” неча асрлар давомида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб борди. Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш сари дадил одимлаётган ва бугунга келиб барча соҳада ислохот ва тараққиёт сари интилаётган, мутлақо янги қиёфага эга бўлаётган, муносиб ҳаёт шароити яратилаётган, энг муҳими, юртимизнинг халқаро майдондаги мавқеи сезиларли равишда мустаҳкамланаётган экан, буларнинг бари қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётганидандир. Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги доимий ҳамкорлик, яхши қўшничилик алоқалари бундан кейин ҳам ривожланиб бораверади.

ЎСМАНИНГ ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАРИ БОР?

Баҳор келиши билан томоркамизда иш қизийди. Полиэкинлари, кучат ва мевали дарахтлар экилганидан сўнг, ҳовлининг чеккасига гуллар экамиз. Гуллар билан бирга доимо бувижоним ўсма учун алоҳида жой ҳозирлайдилар. Тупроғини юмшоққина қилиб ўсма уруғларини экадилар. Уйимизда қизлар кўп бўлганлиги сабабми ўсма ҳар йили экилади. Ўсмаларимиз униб чиқиши билан барча ўсма қўйиш учун навбат кутади. Кичкинтойлар камон қошларини пирипириб худдики гўзаллик салонига боргандек ўзларида йўқ хурсанд бўладилар. Ўсма қўйганларидан сўнг ҳамма қора қошлига айланади қолади.



Бир кун бувим ўсма экишга тайёрланаётган бир пайтда Буви-жон ҳозир бозорда қош бўяш учун қаламларнинг турли хили чиқиб кетган, ўзингизни уринтириб нима қиласиз, деб қолдим. Бу гапимдан бувимнинг жаҳллари чиқди.

– “Қизим бизнинг давримизда бундай қош қаламларни сурмалар бўлмаган. Болаликдан фақат ўсма қўйганмиз. Нега бунча қошларингиз қоп-қора деб айтасанку бунинг сирини ана шунда. Табиий ўсмага нима етсин! Сизларни ҳам барчангизни болаликдан қошларингизни ўсма қўйиб қорайтирганман, бу ўсма момолардан мерос. Бунинг устига фойдала хусусиятлари ҳам кўп. Ўсма шарбати, бироз сўлитилган барглardan сиқиб, қош, киприк, қо-воқларга безак бериш билан бирга уларни қалинлаштириб, тим қора қилади. Бундан ташқари, кўздаги турли инфекцияларни ўлдириб, уни равшанлаштиради.

Ўсма қўйиш кўп мамлакатларда анъанага айланиб қолган. Масалан, уйғурларда янги туғилган қизалоқларга етти кунлик бўлган-

дан бошлаб, қошлари ўртасини бирлаштириб ўсма қўйишар экан. Бунда қизалоқ катта бўлгач, ота-онасига яқин жойга турмушга чиқсин деган маъно бор экан. Халқимизда ҳам азал-азалдан митти қизалоқлардан тортиб, момоларимизгача қош қўзларига ўсма қўйиб ўзларига оро беришади. Ўсманинг яна бир биз билмаган хислати мавжуд. Бу ҳам бўлса жаҳл ва ғазабни сундиришдир. Аввалги аёллар жуда сабрли бўлишган, сабаби улар эрта тонгда туриб биринчи навбатда қошларига ўсма қўйишган. Мутахассисларнинг таъкидлашича қошда жаҳл-ғазаб тугунларининг учи жойлашган бўлиб, эрта қўйилган ўсма муаммоларга бўлиб, уларни музлатиб қўйган. Шу сабабли кун давомида ҳеч қандай асаббузарликларга аҳамият бермай юришган”.

Бувимнинг бунчалик моҳирона тасвирларидан кейин мен ҳам ўсмага янада қизиқа бошладим. Бувим эккан ўсmani ҳар кунни суғоришни, парвариш қилиб, сингилларимнинг қошларини бўяб қўйишни ўз зиммамга олдим. Ҳақиқатдан ҳам табиийликка нима етсин, нега биз уйимизда мана шундай табиий қош бўйадиган ўсма бўлиб туриб бозордан ҳам қиммат, ҳам зарарли бўлган косметик воситаларга эҳтиёж сезамиз .

Фикримча, мутахассисларимиз ҳам косметик воситаларини ана шундай табиий, фойдали ва зарарсиз бўлган моддалардан тайёрлашса нур устига нур бўларди. **Занжилой АБДУСАЛОМОВА,**
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети талабаси.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБ ВА МЕЗОНЛАРИ

Андижонда “Аҳолига субсидиялар ажратиш жараёнлари, аёлларга белгиланган имтиёзлар ҳамда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизими” мавзусида анжуман ўтказилди.

Андижон вилояти адлия бoshқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда вилоят адлия бoshқармаси, оила ва хотин-қизлар бўлими, уларнинг туман, шаҳар бўлимлари масъуллари, мутахассислари, мавзу доирасидаги ишларга масъул идоралар мутасаддилари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, вакиллари иштирок этди.

Анжуманда субсидиялар ажратиш тартиб ва мезонлари, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

– Анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, субсидия ажратиш тартиблари ҳамда уй-жойга муҳтож, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга кўмаклашиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик ва шаффофлиқни таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш ҳақида иштирокчиларга кенг маълумотлар, таълиф ва тавсиялар бериш, – дейди Андижон вилояти адлия бoshқармаси бошлигининг би-

ринчи ўринбосари Мухаммад-бобур Каримов. – Қолаверса, мазкур жараёнда амалиётда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш чораларини кўришга қаратилган.

Анжуманда “Аҳолига субсидиялар ажратиш ва тўлаш жараёнлари, тартиблари”, “Субсидиялар ажратиш ва тўлаш жараёнида аёлларга белгиланган имтиёзлар”, “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизими” мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Иштирокчилар томонидан маърузалар, мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш, сифати ва самардорлигини ошириш, аҳолига қулайликлар яратиш, баъзи бир ноқулайликлар келтириб чиқарувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Маълумки, шу йил 1 майдан субсидия олиш учун аҳолидан ариза ва ҳужжатлар қабул қилиш бошланган. Тақдид этилган ҳужжатлар тегишли комиссиялар томонидан кўриб чиқилиб, ҳулосалар бе-

рилмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Субсидия олиш учун вилоятдаги Давлат хизматлари марказларига 1 майдан ҳозирги кунга қадар 14 минг 74 ариза қабул қилинган. Ўрганишлардан сўнг юборилган аризаларнинг 105 тасига ижобий ҳулоса, 2 минг 253 нафар талабгорга танлаш комиссияси томонидан рад жавоби берилган. Қолган 11 минг 639 ариза ваколатли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, субсидия олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам аризалар келиб тушмоқда. Айни кунга қадар портал орқали қабул қилинган 6 минг 803 аризанинг 1 минг 973 тасига танлаш комиссияси томонидан рад жавоби ай-тилди, 193 аризага ижобий ҳулоса берилган.

Анжуман давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасадди ва мутахассислардан батафсил жавоб олди.

Фахриддин
УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИНИНГ ФАРҒОНАГА ТАШРИФИ ҚАНДАЙ КЕЧДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Лойиҳа Швейцариянинг 2017-2021 йилларда Ўрта Осиё минтақаси учун мўлжалланган стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган ва иккита якуний натижага эришишни кўзда тутди. Биринчи натижада Сув ҳўжалиги вазирлиги сув ресурсларини интеграциялаштирилган бошқариш тамойилларига асосланган кенг қамровли стратегик-меъёрий базани жорий этади. Кейингисиди фермерлар ва сув ҳўжалиги ташкилотлари сувдан самарали ва барқарор фойдаланади. Ушбу лойиҳа, шунингдек, Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида гендер ёндашувларини қўллашга қаратилган бўлиб, унинг мақсади СРИБ тамойилларини қўллаш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш жараёниларида аёллар иштирокини оширишдан иборат. Гўруҳ сув ҳўжалиги ташкилотларида ишлайдиган аёллардан ташкил топган бўлиб, улар хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда етакчининг роли, иқлим ўзгариши ва гендер масалалари, мулоқот қилиш ва вақтни бошқаришнинг самарали усуллари, бизнесни режалаштириш ва молиявий саводхонликни ошириш йўллари, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун бериладиган

имтиёзли кредитлар, давлат субсидиялари ва бошқа рағбатлар ҳамда уларни олиш учун аризани тўғри тайёрлаш каби масалалар бўйича таълим олган. Улар ўз ҳамкасблари, фермер аёллар ва қишлоқ аёллари учун юқориди мавзулар бўйича мустақил равишда тренинглар ўтказиш кўникмаларига эга. Гўруҳнинг иккинчи қисми фермер аёллар бўлиб, улар лойиҳанинг гендерга доир тадбирларида иштирок этиш давомида сувни тежайдиган технологиялар ва улардан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида маълумотларга эга бўлди.

Тадбир қатнашчилари дастлаб Фарғона водийси магистрал каналлари бошқармаси биносиди жойлашган тарихий музей экспонатлари билан танишди. Уларни айниқса, Куйғанёрдан то Тожикистоннинг Конибодом шаҳригача кириб борадиган 265 километр узунлиқдаги Катта Фарғона каналининг халқ хашари билан 1939 йилда 45 кун ичида қўлда қазилгани ҳайратга солди. Ўша йиллари олинган суратларда ярим юпун халқнинг бир мақсад йўлида қандай қудратли тўлқинга айлангани яққол намоён бўлиб турибди. Гўруҳ аъзолари Олтиариқ туманидаги Санобар Ғофурова раҳбарлигидаги “Мафтуна нузли

келажак” фермер ҳўжалигига борди. Бу кўп тармоқли оилавий ҳўжалик пахта ва ғалла етиштириш, шунингдек, чорвачилик, полиз етиштириш билан ҳам шуғулланади. Ўй бекаси томчилатиб суғориш тизими ўрнатилган иссиқхона ва боғни фахр билан кўрсатиб, фермер ҳўжалиги томорқасиди етиштирилган мевалар экспорт қилинаётганини айтди. Фермернинг 0,7 сотихли иссиқхонасиди томчилатиб суғориш усулида етиштирилаётган бодрингдан ҳар йили катта даромад олиниши ҳам меҳмонларни ҳайрон қолдирди.

— Шундай йиллар бўлгани, фермерларнинг кўпчилиги ерни ташлаб кетган, — дейди Санобар Ғофурова. — Чунки ҳосилдан тушган даромадингизни бандан ололмас, пулнингиз кимларгадир ўтиб кетар, натижада қарз бўлиб қоладик. Янги йилни бошлаш, ер ҳайдаш, дори олиш учун пул топилмасди. Йиғлаб-йиғлаб кечалари ухламай режа тузардим. Турмуш ўртоғим вафот этган, биттагина ўғлим ариқ ёқалаб сув келтириш учун умрини ўтказарди, мен эса сув тутардим. Барибир сувни ўн кунлаб тутиб охирига етказолмасдик. Мана ҳозир, ўз қўларингиз билан кўрдингиз, сув келиши қийин бўлган 25 гектар ерга томчилатиб суғориш

усулини жорий қилганмиз, ўғлим насосга токни улайди, сув кранини очади, қараб-сизки, сув томчиларини экин эмаяпти. Бундан ҳам осони, енгили, самаралиси борми, деб баралла сўрагим келади.

Фермер опани барча хотин-қизлар яхши кўриб қолди. Айниқса, тожик фермер аёллари унинг қўлидан ушлаб юртларига бир боришга, маслаҳат бериб келишга, шу баҳона меҳмон бўлишга чорлашди. Қани эди ҳамма фермерлар ҳам ана шундай меҳнатдан қочмайдиган, янгиликка интиладиган бўлса деган ҳаёл ўтади миядан. Фермернинг шинам шийпонидан меҳмонларнинг кетгилари келмас, опанинг даласиди битган тарвузу мевалардан баҳраманд бўлишарди.

Тадбир қатнашчилари шундан кейин Олтиариқ даштида 1000 гектар атрофидаги ерда бунёд этилаётган узумзорларни бориб кўрдилар. Бу ердаги бунёдкорлик ишларидан улар яна ҳайратга тушдилар. Ҳали тўла минг гектарга етмаган бўлса ҳам жуда катта майдонларда томчилатиб суғориш технологияси асосиди узумнинг энг ноёб турларидан ўстирилаётди. Бу узумзорлар давлат маблағидан барпо қилинди ва кам таъминлаган, кўп болали оилаларга имтиёз асосиди бўлиб берилди. Узумчилар буюғига ҳушёр бўлишлари, ўз вақтида томчилатиб суғориб туриши керак. Узумчиларнинг қир устига осонликча чиқиб, экинзорларни парваришлаб келишлари учун йўл бир текисда асфальт қилинган. Юрган одамнинг баҳри-дили очилиши шубҳасиз. Бу йил узумзорлардан ҳосил нишонлари кўринибди. Аммо янаги йилдан ҳосилга кириши, мўл-қўлчилик томон юрилиши аниқ. Ана унда яна олтиариқликларнинг, қолаверса, бутун Фарғонанинг узумчилик соҳасиди донги дунё бўйлаб янада бандароқ таралади.

Кўннинг иккинчи ярмиди Андижон вилоятидаги “Modern Green House” ҳўжалиги билан танишув ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Ушбу фермер ҳўжалиги НетХаус усулида экспорт қилинадиган экинлар (*малина, қулпнай, оғлубика, айсбер*) етиштириш билан шуғулланади. Барча ўсимликлар томчилатиб суғориш усули билан суғорилади ва тўр чодирларида ўстирилади. Бундай ҳўжаликда етиштирилган резаворлар юқори қўшимча қийматга эга бўлиб, уларнинг барчасига жаҳон бозориди талаб катта. Фермер меҳмонларга бундай улкан тўр чодирда резавор ўсимликлардан мўл ҳосил етиштириш тажрибасини, қийинчиликларини гапириб берди. Келажақда ўз тасарруфиди 150 гектар дашт ва тошлоқ ерларда улкан даромад манбаини яратиш режалари меҳмонларни қўллаб саволлар беришга ундади.

Аёл фермерлардан ташкил топган гўруҳнинг навбатдаги манзили Наманган вилояти бўлди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Мутахассис тавсиялари

ЎЗА РИВОЖИНИ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТЕЗЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўза парваришининг ўсув даврида ҳар бир агротехник тадбир сувдан самарали фойдаланишга йўналтирилиши лозим. Ўза бошқа бир қанча экинлардан фарқи ўлароқ тупроқдаги озукани бутун ўсув даврида ўзлаштириб боради. Бу йил ҳам пахтадан мўл, эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш учун имкониятлар мавжуд. Бироқ, бунинг учун ҳар дақиқадан тўғри фойдаланиб ишлаш, имкониятларни тўла ишга солиш лозим.

Маълумки, ўзанинг нормал ўсиб ривожланиши учун унинг ўсув даврида 500-600 мм атмосфера ёғингарчилиги минимум ҳисобланади. Ёғингарчилик микдори бундан кам бўлган ҳудудларда ўзани қўшимча суғориш зарур.

Юртимизнинг пахта экиладиган аксарият минтақаларида атмосфера ёғингарчилиги 100-200 мм.дан ошмаслиги туфайли, ўза кучли илдиз тизимига эғалигига, қурғоқчиликка нисбатан чидамлилигига

билан нисбатига қараб солинади. Шу кунларда 1 килограмм тупроқда 15 миллиграмм ҳаракатчан фосфор бўлса, ўсимлик гўлга киришдан олдин фосфорли ўғитларни қолган қисмини ўзага азотли ўғитлар билан солиш керак. Калийли ўғитлар йиллик нормасининг ярми шудорлашда берилган бўлса, қолган ярмини ўзалар шоғага кирганда азотли ўғитлар билан солиш керак. Экинлар ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан уларни ўз вақтида



қарамасдан пахтачилик фақат сўнғий суғоришга асосланган. Шу кунларда ўза парваришида амалга ошириладиган агротехника тадбирлари ҳосил мўл бўлишига шароит яратди. Ўза парваришида июнь ойи ҳам масъулиятли палла саналади. Бу пайтда ўза қатор оралари-га ишлов бериш орқали тупроқнинг майин, донатор бўлишига эришиш, ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлайди, пировардида, сувсизликка чидамлилигини ошириш, сувни 10-15 фоиз тежашга имкон беради. Шу билан бир қаторда ўзанинг гоммоз, илдиз чирши касалликларига чалинишининг олдини олиб, тез ривожланишини таъминлайди.

Айни пайтда ёввойи ўт босган, ҳатто бегона ўтлар уруглаш босқичига қарган ўза майдонлари ҳам йўқ эмас. Ўза ривожини тезлаштиришнинг асосий омилларидан яна бири, далани бегона ўтлардан зудлик билан тозалашдир. Тупроқ экинларни озук мовдалар билан таъминлашнинг асосий манбаидир. Олимлар, ўзанинг талаби ва тупроқ-иқлим шароитини назарда тутиб, ўсимлик ўсиш ва ривожланишининг турли босқичларида ўғитларни ишлатиш усулини ишлаб чиққанлар. Унутмаслик керакки, ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида юқори сифатли ўтказилсагина ўза ривож тезлашиб, мўлжалдаги ҳосилни тўплаши мумкин.

Ҳозирги кунларда ўзанинг азот ва фосфорга бўлган талаби ошадди. Тажрибаларнинг кўрсатишичи, азотли ўғитлар қанча кеч берилса, ҳосил етилиши ҳам шунча кечикади. Азотли ўғитлар кеч берилганда биринчи нав пахта микдори камайиб, умумий ҳосил ҳам камайдиди. Ўғит қўзғаниб шоналаш давридан кечикмай берилганда, қўсакларнинг очилиши тезлашади, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошадиди. Айрим фермер ҳўжаликларида баъзан азот солишга кўпроқ эътибор берилиб, бошқа ўғитларнинг аҳамияти тўғри баҳоланмайдиди. Ҳолбуки ўзанинг фосфор, айниқса, калийга бўлган биологик талаби азот эҳтиёжи билан тенг ва ҳатто ундан ҳам юқоридир.

Ҳосилнинг қарийиб 60-70 фоизи ҳамон тупроқдаги ресурслар ҳисобига шаклланаётти. Бу эса тупроқда озук мовдалар нисбати бузилишига олиб келади ва ўсимликнинг у ёки бу мовдага бўлган эҳтиёжини қучайтиради.

Юқори ҳосил олиб келаётган фермер ҳўжаликлари ўзани ўғитлашни кимё картаси маълумотига риоя қилган ҳолда ўтказадилар, фосфорли ўғитлар унинг азот

суғоришга боғлиқ. Бу ишни илмий асосда, тупроқ ва об-ҳаво шароитлари ҳамда экиннинг ўсиш даврини тўлиқ ҳисобга олиб ташкил этишга эътибор бериш керак. Ўзанинг чанқаб қолишига ёки ўта захлатиб суғоришга йўл қўйиш ҳосилдорликни камайтиради. Обихаёт исроф этилмаслиги учун тупроқ, об-ҳаво ҳамда ўсимликнинг ташналигини ҳисобга олиб суғориш муддатини ва меъёрини белгилаш керак. Ўзанинг яхши ривожланиши учун тупроқдаги намлик 65-70 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Агарда 20-25 сантиметр чуқурлиқда тупроқни кафтга олиб қисимлаб кўрсангиз, бир-бирига ёпишмай сочилиб кетса, демек, тупроқдаги нам етарли эмас, ўсимликни тезда суғориш керак. Бундан ташқари, чанқаган ўза барглари тунда сўлиш ҳолга тушиб қолади. Суғоришда сув сарфи енгил тупроқли майдонларда гектарига 600-700, ўртача таркибли тупроқли майдонларда 700-800 ва оғир тупроқли майдонларда 800-900 метр куб бўлиши лозим. Гўллаш даврида 200-300 метр куб сув кўп сарфланади. Сув тез шимиллаганда ҳамда кам нишабли ва катта нишабли экин майдонларида ўқариқлар ораси 50-70 метр, қолган майдонларда 70-90 метр бўлгани маъқул. Ер ости сувлари ақин ва шўрланмаган ҳамда кам шўрланган ерларда ўзага эғат оралатиб сув бериш яхши натижа беради. Суғоришнинг бу технологияси сувнинг тежалишини таъминлайди. Айниқса, биринчи ва иккинчи суғоришда эғат ташлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Сувдан самарали фойдаланишда суғоришни “шарбат” усулида ўтказиш лозим. Бу усул қўлланилганда гўнғ ўзага озиқ бериш билан бирга мулча вазибасини бажаради, сувнинг буғланишини камайтиради, унинг тупроққа сингишини яхшилайди.

Ҳозирги, ҳаво ўзгариб турган кунлари ўзада ўргимчаккана, трипс, ўза шираси ривожланиши мумкин. Улар тарқалишининг олдини олиш учун тезда суспензия сеппи ва кимёвий кураш чораларини амалга ошириш керак.

Кўрсатилган агротехник тадбир ва талаблар белгиланган муддатларда бажарилса, шубҳасиз, ўзадан қўтилганидек ҳосил тўпланишига эришилади.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасиди
хизмат кўрсатган қишлоқ
ҳўжалик ходими,
Жўрахон АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ ҳўжалигиди билим
ва инновациялар миллий
маркази бош мутахассиси.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АМУДАРЁДА ФАОЛИЯТИНИ 30 ЛИТР СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШДАН БОШЛАГАН КОРХОНАДА БУГУНГА КЕЛИБ КУНИГА 1 ТОННАДАН ОРТИҚ СУТ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани “Навойи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кичик саноат зонаси 2018 йил “Амударё пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамиятининг эски биноси ўрнида ташкил этилган.

Тендер савдоларида 23 нафар тадбиркор қиймати 10 миллиард 151 миллион сўмлик инвестиция киришти ва 166 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган.

Кичик саноат зонасиди ҳозирда ёғочдан мебель ва эшиклар ишлаб чиқарувчи “Kamolov eshiklari”, темир эшик ва дераза ишлаб чиқарувчи “Amu metall Kovka art”, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Mang’it milk” масъулияти чекланган жамиятлари каби қатор корхоналар фаолият юритмоқда.

“Mang’it milk” масъулияти чекланган жамияти ўз ишини 30 литр сутни қайта ишлашдан бошлаган. Бугунга келиб корхонада кунига 1 тоннадан ортиқ сут қайта ишланиб, кефир, қаймоқ, творог, сметана каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Келгусиди пишлоқ ишлаб чиқариш тармоғи ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00